



**О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI BOG‘OT
TUMANI HOKIMINING
QARORI**

Boğ‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2021 -yil 29 - Iybar

1394 -son

Boğ‘ot shaharchasi

Фуқаро Юсупов Собуржон Отахановичга Боғот тумани “Маданият” маҳалласи ҳудудига вақтинча енгил конструкцияли “Континер” ўрнатишга рухсат бериш тўғрисида

Боғот тумани “Маданият” маҳалласида яшовчи фуқаро Юсупов Собуржон Отахановичнинг “Маданият” маҳалласи ҳудудига вақтинча (6,0x2,8) 16,8 квадрат метр ўлчамдаги “Континер” ўрнатишга рухсат беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2020 йил 23 декабрдаги ШЯ-Ю-3603-сонли аризасини, туман Архитектура ва қурилиш бўлимининг 2020 йил 31 декабрдаги 505-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунининг 10, 25-моддаларига, “Ер кодекси”нинг 62-моддасига асосланиб

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Боғот тумани “Маданият” маҳалласида яшовчи фуқаро Юсупов Собуржон Отахановичга “Маданият” маҳалласи ҳудудига (6,0x2,8) 16,8 квадрат метр ўлчамдаги енгил конструкцияли “Континер”ни вақтинча 1 (бир) йил муддатга ўрнатишга рухсат қилинсин.

2. Фуқаро Юсупов Собуржон Отахановични “Маданият” маҳалласи ҳудудига вақтинча (6,0x2,8) 16,8 квадрат метр ўлчамдаги енгил конструкцияли “Континер” ўрнатилиши учун ажратиб берилган ер майдонидан мақсадли фойдаланмаганда ёки ажратиб берилган ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида янгидан қуриши ёки қайта реконструкция қилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишмаган ҳолда амалга оширганда Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 36, 38-моддасига асосан ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

3. Туман архитектура ва қурилиш бўлими (Ф.Курбонов)га фуқаро Юсупов Собуржон Отаханович “Маданият” маҳалласи ҳудудига вақтинча (6,0x2,8) 16,8 квадрат метр ўлчамдаги енгил конструкцияли “Континер” ўрнатилиши учун ер майдонини белгилаб бериш вазифаси топширилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Курьязов зиммасига юклатилсин.

Боғот тумани ҳокими
вазифасини бажарувчи

Ш.Яхшибаев